

Саҳарликка ухлаб қолган киши нима қилади?

16:01 / 24.04.2016 22572

Жумъа куни имомга қуйидаги савол берилди: «Агар саҳарлик пайти ухлаб қолинса, рўзани тутиш тартиби қандай бўлади?» Имом жавоб бердики: «Агар қуёш чиққан бўлса, шу куни рўза тутмайди ва бошқа пайтда қазо қилиб тутади».

Ушбу жавоб тўғрими? Агар саҳарликда ухлаб қолса-ю, аммо, Бомдод пайти ўтмаган бўлса, бу ҳолатда рўзани тутиш тартиби қандай бўлади?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Мазкур жавоб мутлақо нотўғри. Саҳарликда ухлаб қолган одам қачон уйғонишидан қатъиназар рўзани ният қилиб тутаверади. Ҳеч қандай шубҳа бўлмайди. Фақат, уйғонгач, бирор нарса еб қўймаслиги керак. Валлоҳу аълам.